

Сиёсий қатағон қурбони бўлган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғрисида



07:57 / 23.07.2024 1831

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

Маълумки, 1937–1953 йилларда мустабид тузум томонидан 100 мингдан зиёд халқимиз вакиллари қатағон сиёсатининг қурбони бўлган. Бу юртдошларимизнинг 13 минг нафари отиб ташланган, минглаб кишилар ноҳақ қулоқ қилинган, сургунларга жўнатилган. Улар орасида атоқли давлат ва сиёсат арбоблари, илм-фан намояндалари, ижодкор зиёлилар, диний уламолар, ҳарбий соҳа ва суд-ҳуқуқ тизими ходимлари, ишчи-деҳқонлар ва уларнинг оила аъзолари бўлган.

Ватанимизнинг миллий истиқлоли, халқимиз озодлиги учун курашиб, шу йўлда жонини фидо этган, сиёсий қатағон қурбонлари бўлган ота-боболаримизнинг ҳаёти ва фаолиятини атрофлича ўрганиш ва тадқиқ этиш, уларнинг номлари ва хотирасини абадийлаштириш бўйича кейинги йилларда юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2021–2024 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан 1 минг 200 дан зиёд сиёсий қатағон қурбонларининг номлари оқланганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда мустақиллигимизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, тарихимизнинг номаълум саҳифаларини тиклаш ва илмий нуқтаи назардан чуқур ўрганиш, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида эътироф этиш, шу асосда юртдошларимиз, айниқса, ёш авлоднинг Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғусини, фуқаролик позициясини кучайтириш, уларни бугунги тинч, эркин ва озод ҳаётнинг қадрига етиш руҳида тарбиялаш мақсадида:

1. Сиёсий қатағон қурбони бўлган юртдошларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш ишларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда – Республика комиссияси) 1-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қатағон қурбони бўлган шахсларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, уларни номма-ном аниқлаш, тарихий хизматлари ҳақидаги маълумотларни, архив ва музейлар, кутубхоналар ва турли фондларда сақланаётган ҳужжатларни тўплаш ва тадқиқ этиш, оммалаштириш учун ишчи гуруҳлар фаолиятини ташкил этиш;

қатағон қурбонларининг авлодлари ва яқинлари, ўша давр воқеаларига гувоҳ бўлган инсонларнинг хотираларини ёзиб олиш, оилавий архив ва кутубхоналарда сақланаётган тарихий манбаларни, ноёб суратларни тўплаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи, унинг ҳудудлардаги бўлимлари ҳамда Жадидлар мероси давлат музейининг мавзуга доир маълумотлар, ашёвий далил ва ҳужжатлар, бошқа тегишли экспонатлар билан мунтазам равишда бойитиб борилишини таъминлаш;

қатағон қилинган юртдошларимиз ҳақидаги тарихий ҳақиқатни тиклаш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида кўп жилдлик “Қатағон қурбонлари” китобини чоп этиш ҳамда уларнинг номларини Тошкент шаҳридаги “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуасида барпо этиладиган рамзий китоб саҳифаларига киритиш ишларини давом эттириш;

чет элдаги турли фондлар, архив, музей, кутубхона ва бошқа илмий-маърифий муассасалар ҳамда тегишли мутахассислар билан ҳамкорлик ўрнатган ҳолда, мавзуга оид илмий экспедициялар ташкил этиш;

ёш авлодни Ватанимиз озодлиги йўлида жонини фидо қилган буюк аجدодларимиз хотирасига ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг жасорати ва ибратли фаолиятини тарғиб этишга қаратилган маънавий-маърифий ишларни йўлга қўйиш.

Республика комиссиясининг ишчи органи этиб Мудофаа вазирлигининг умумий раҳбарлигида Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи, Фанлар академияси Тарих институти, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши, Қуролли Кучлар академияси, Мудофаа ва ҳарбий хавфсизлик муаммоларини ўрганиш институти, “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси, “Шон-шараф” давлат музейи масъул ходимлари ва етакчи мутахассисларидан иборат гуруҳ белгилансин.

3. Республика Маънавият ва маърифат маркази, Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси, Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейининг ҳар йили октябрь ойининг биринчи ҳафтасини мамлакатимизда Сиёсий қатағонқурбонларини ёд этиш ҳафталиги сифатида нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Республика комиссияси Қатағон қурбонларини ёд этиш ҳафталигини муносиб даражада ўтказиш бўйича тегишли чоратадбирларни ишлаб чиқсин ва уларнинг амалга оширилишини таъминласин.

4. Қатағон қурбонлари, жумладан, жадидлик ҳаракати намояндаларининг ибратли ҳаёти ва фаолиятини халқимиз, айниқса, ёшлар орасида янада кенг тарғиб этиш мақсадида:

“Нуроний” жамғармаси, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси “Шаҳидлар хотираси” жамоат фонди, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар ишлари агентлиги халқимизнинг мустақилликка эришиш йўлидаги кўп асрлик мардона кураши, бу йўлда сиёсий қатағонга учраган юртдошларимизнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда уларнинг хотирасига бағишланган маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари, давра суҳбатлари, таълим муассасалари ва маҳаллаларда уч авлод учрашувларини ташкил этиб борсин;

Маданият вазирлиги давлат буюртмаси асосида спектакллар, бадий ва ҳужжатли фильмлар яратсин;

Ёшлар ишлари агентлиги аудиовизуал маҳсулотлар тайёрлаб, уларни интернет тармоғида оммалаштирсин, шунингдек, фойдаланувчилар ўртасида турли танлов, мусобақа ва акциялар ўтказсин;

Фанлар академияси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда Фанлар академияси Тарих институтининг “Jadidlar.uz” электрон платформасини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва платформани янги электрон адабиётлар, тарихий манбалар, жадид матбуоти намуналари ва аудиовизуал маҳсулотлар билан бойитиш чораларини кўрсин;

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги таълим ташкилотларида ўтказиладиган “Мустақиллик дарслари” доирасида қатағон қурбонлари, жумладан, жадидлик ҳаракати намояндаларига бағишланган ўқув машғулотларини ташкил этсин;

Туризм қўмитаси қатағон қурбонларининг номлари билан боғлиқ музей ва объектларни сайёҳлик йўналишларига киритиш чора-тадбирларини кўрсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, “Нуроний” жамғармаси, “Шаҳидлар хотираси” жамоат фонди билан биргаликда Республика комиссиясининг қарори асосида:

қатағон қурбонлари ва жадидлик ҳаракати вакиллари бўлган шахслар туғилиб ўсган, яшаган хонадонларни аниқласин ва уларда эсдалик лавҳаларини ўрнатсин;

маҳаллаларда ва умумтаълим мактабларида тегишли тарзда “Қатағон қурбонлари хотираси бурчаклари”ни, стендлар ва бошқа кўргазмали воситаларни ташкил этсин.

Мазкур бандда белгиланган вазифалар маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

6. Қатағон қурбонлари, жумладан, жаидлик ҳаракати намояндаларининг ҳаёти ва фаолияти, илмий-ижодий мероси, шунингдек, ўша даврдаги сиёсий-ижтимоий жараёнлар бўйича тадқиқотлар олиб боришмақсадида:

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги мавзуга оид илмий тадқиқот ишларига давлат буюртмасининг танловлар асосида шакллантирилиши ҳамда илмий лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминласин;

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, “Ўзархив” агентлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Маданий мерос агентлиги, Фанлар академияси қатағон қурбонлари ва жаидлик ҳаракати намояндаларининг илмий-ижодий фаолиятига тегишли нодир китоблар, қўлёзма асарлар, тарихий ҳужжатлар ва бошқа материалларни таъмирласин ҳамда рақамлаштирсин;

“Ўзархив” агентлиги Давлат хавфсизлик хизмати билан биргаликда давлат архивларида сақланаётган қатағон қурбонлари ва жаидлик ҳаракати намояндаларига оид муайян архив ҳужжатларини белгиланган тартибда махфийликдан чиқариш чораларини кўрсин;

вазирлик ва идоралар қатағон қурбонлари ва жаидлик ҳаракати намояндаларининг номларини аниқлаш борасида изланишлар олиб бориш учун Республика комиссияси тавсиясига асосан, тегишли идоравий архивлардан фойдаланиш имкониятини яратсин;

Ташқи ишлар вазирлиги қатағон қурбонларининг ҳаёти ва фаолиятига доир чет эллардаги мавжуд манбаларни излаб топиш ва ўрганишда хориждаги илмий-тадқиқот марказлари, нуфузли университет ва фондлар ҳамда соҳа мутахассислари билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатсин.

7. Маданий мерос агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда шахсий ва оилавий архивларда сақлаб келинаётган қатағон қурбонлари фаолиятига бевосита дахлдор бўлган қўлёзма, китоб, сурат ва буюм шаклидаги тарихий-маданий ашёларнинг давлат музейлари фондларига қабул қилиб олинишини ташкил этсин.

8. Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи Рақамли технологиялар вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Қатағон қурбонлари хотираси

давлат музейи ва унинг ҳудудлардаги бўлимлари фондларини мунтазам бойитиб бориш, уларда янги экспозиция ва кўргазмалар ташкил этиш ҳамда бу борада замонавий рақамли технологиялар ва мультимедиа воситаларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйсин.

9. Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Божхона қўмитаси ушбу қарор билан белгиланган вазифаларни бажаришда дахлдор вазирлик, идора ва ташкилотларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилишини таъминласин.

10. Адлия вазирлиги Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги, Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи, Фанлар академияси ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази билан биргаликда икки ой муддатда мустабид тузум даврида сиёсий қатағонга учраган шахсларни реабилитация қилиш тартибини назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин.

11. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

2025 йилдан бошлаб қатағон қурбонлари ва жадидлик ҳаракати намояндаларига бағишланган тадбирларни ўтказиш, “Қатағон қурбонлари” хотира китобларини, китоб ва альбомлар, йўл кўрсаткичларини тайёрлаш, шунингдек, кўргазмалар ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда инобатга олсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейининг тузилмасини такомиллаштириш, жумладан, унинг таркибида мультимедиа, нашриёт ва матбаа бўлинмаларини ташкил этиш ҳамда музей ва унинг ҳудудий бўлимларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

12. Сиёсий қатағон қурбони бўлган юртдошларимизнинг ҳаётива фаолиятини ўрганиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа

оммавий ахборот воситаларига қатағон қурбонларининг ҳаёти ва фаолияти, уларнинг илмий-ижодий меросининг моҳияти ва тарбиявий аҳамиятини тарғиб қилишга қаратилган тадбирларни кенг ёритиш, мавзуга оид телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни мунтазам эфирга узатиш ҳамда матбуот нашрлари ва интернет саҳифаларида мақолалар эълон қилиб бориш тавсия этилсин.

14. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Ушбу қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ